

**«Ўзпартампоаж» АЖ акциядорларнинг 2020 йил
яқунлари бўйича умумий йиғилиши
1 – сонли Б А Ё Н Н О М А С И**

18 июн 2021 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 14:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шоҳ кўчаси, жамият биноси

Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми:

Умумий йиғилиш раиси ва

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги»нинг
ваколатли вакили -

Халимов А.Ж.

“ALPENFORT CAPITAL” МЧЖ директори -

Муродов К.Н.

“Ўзпартампоаж” АЖнинг йирик акциядори
жисмоний шахс -

Юнусматов А.М.

«Ўзпартампоаж» АЖ директори -

Суяров Б.О.

Йиғилиш котиби:

Мингяшаров Н.Қ.

Жами овоз берувчи акциялар сони – 8447400 дона

Жами акциядорлар сони – 490 киши

Қатнашдилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили ишончнома асосида А.Ж.Халимов– 3 041 090 та овоз, «ALPENFORT CAPITAL» МЧЖ директори К.Н.Муродов – 816 200 та овоз, “Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили ишончнома асосида Н.Қ.Мингяшаров– 1 267 110 та овоз, Жамиятнинг йирик акциядори жисмоний шахс А.М.Юнусматов– 1 161 400 ва бошқа 6 нафар жисмоний шахслар – акциядорлар 65 500 та овоз билан қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш тугрисидаги» қонуннинг 77-моддасига (3 банд) ва «Ўзпартампоаж» АЖ Уставининг 8.13 бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Кузатув кенгашини бошқа аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очади ва раислик қилиши белгиланган.

Умумий йиғилишда «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгаши раиси ва бошқа аъзолари иштирок этмаганлига сабабли акциядорларни йиллик умумий йиғилишни раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили – А.Ж.Халимов ва йиғилиш котиби эти жамият ходими – Н.Қ.Мингяшаров тайинланди.

Кворум – 75,2%.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Кузатув кенгашининг 2020 йилда ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Ўзпартампоаж” АЖ директорининг 2020 йил яқунлари бўйича Бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.

5. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2020 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташки аудиторни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

6. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

7. “Ўзпартампонаж” АЖ директориغا 2021 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш.

8. “Ўзпартампонаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

9. “Ўзпартампонаж” АЖ тафтишчисини қайта сайлаш.

10. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2014 – 2015 йиллар якуни бўйича ҳисобланган дивидендлардан талаб қилиб олинмаган қисми бўйича қарздорликни жамият фойдасига ўтказиш.

11. Аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш.

12. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиладиган текшириш ҳамда самарадорлик муҳим курсаткичлари (СМК), самарадорлик йиғинди курсаткичларари (СЙК) ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташки аудиторни тасдиқлаш.

13. “Ўзпартампонаж” АЖнинг яққа тарбибадаги ижроия органини жамоавий ижроия органига ўзгартириш киритиш.

14. “Ўзпартампонаж” АЖнинг Устави ва ички низомларига жамоавий ижро органи бўйича ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирда тасдиқлашни кўриб чиқиш.

15. Жамият ташкилий тузилмасини янгидан тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш.

Э Ш И Т И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси “Давлат активларини бошқариш агентлиги”нинг вакили **Ҳалимов А.Ж.** кворум мавжудлигини ва йиғилишни очилишини эълон қилди. Йиғилиш иштирокчилари ичидан 4 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилди. Булар:

Ҳалимов Алишер Журакулович
Муродов Камолiddин Нуриддинович
Юнусматов Азамат Мурадович
Суяров Бахриддин Овлоқулович

Таклиф бир овоздан маъқулланди. Йиғилишда жамият Кузатув кенгаши раиси узурли сабабларга кўра қатнаша олмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси “Давлат активларини бошқариш агентлиги” нинг 2021 йил 10 июндаги 01/08-17-936 сонли ишончномасига асосан Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси **Ҳалимов Алишер Журакулович** келиб қатнашди ва раислик қилди. Баённомани ёзиб боровчи котибни сайлаб олишни таклиф этди ва корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер **Мингяшаров Н.Қ.** номзоди кўрсатилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, саноқ комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат саноқ комиссиясини сайлашни таклифи қилди:

Эримов М. - саноқ комиссияси раиси.
Олимов А. - саноқ комиссия аъзоси
Кароматов А. - саноқ комиссия аъзоси

Таклиф бир овоздан маъкулланди.

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар жами 15 тани ташкил этади ва ҳисобот берувчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди. Таклиф бир овоздан маъкулланди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: Тарафдорлар – 6 351 300 та овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат Эримов М. - санок комиссияси раиси, Олимов А. ва Кароматов А.лар - санок комиссияси аъзолари этиб сайлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси Ҳалимов А.Ж. сўзга чиқди. У 2020 йил давомида «Ўзпартампонаж» АЖ директори ва етакчи мутахассислар иштирок эткан 12 та кузатув кенгаш йиғилиши ўтказилиб, қарорлар бир овоздан қабул қилинганлигини ва директорининг ҳисоботлари ҳамда бевосита Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳар чорақда тинглаб борилганлигини айтиб ўтди.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамият кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: Тарафдорлар – 6 351 300 та овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

3. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Тўртинчи масала бўйича «Ўзпартампонаж» АЖ директори Б.О. Суяров сўзга чиқди. У акциядорлик жамиятининг 2020 йилдаги молия – хўжалик фаолияти ва бажарилган ишлар, бизнес-режа кўрсаткичлари, узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи ҳамда 2020 йилда олдимишга қўйилган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. (*маъруза шлова қилинади*).

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: Тарафдорлар – 6 351 300 та овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

4. Жамият директорининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича жамиятнинг бош ҳисобчиси Файзуллаев А.А. сўзга чиқди. У Жамиятнинг 2020 йил молиявий – хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни

бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган хулосаси, ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи, самарадорликнинг йиллик кўрсаткичи ва уларнинг бажарилиши фозларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди (*ҳисоботлар илова қилинади*).

Бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятни 2020 йил молиявий хўжалик фаолияти якулари бўйича: ташқи аудитори БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган хулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фозларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди :	Тарафдорлар	– 6 351 300 та овоз,
	Қаршилар	– йўқ,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

5. Жамиятнинг 2020 йил молиявий хўжалик фаолияти якулари бўйича: ташқи аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан “Бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти”га мувофиқ берилган хулосаси, ташқи аудит “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ томонидан “Молиявий ҳисоботининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартлари”га мувофиқ берилган хулосаси ҳамда ташқи аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (СМК), самарадорликнинг йиллик кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг бажарилиши фозларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангани.

Олтинчи масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Файзуллаев А.А. сўзга чиқди. У ўз нутқида 2020 йил якуни бўйича жамият 2 827 273 089,62 сўм миқдорда соф фойда билан чиққанлигини айтиб ўтди ҳамда бу соф фойданинг тақсимотини дастлаб тасдиқлаш учун “Ўзпартампотаж” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 30 апрелдаги № 4 сонли мажлис баёнига асосан қуйидагича тақсимлашни 2 хил варианти таклиф қилинганлигини айтиб ўтди:

1 – вариант :

1) Дивидендга – 20% ни яъни ҳар бир оддий акция учун 67 сўмдан жами 565 975 800 сўм, жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга – (13–ойликга йўналтириш) 10% ни яъни 282 727 309 сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди (техникаларни янгилаш)га – 70% ни яъни 1 978 569 980,62 сўм мабағни йўналтиришни таклиф қилинди.

2 – вариант:

2) Дивидендга – 50,2% ни яъни ҳар бир оддий акция учун 168 сўмдан жами 1 419 163 200 сўм, жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга – (13–ойликга йўналтириш) 10% ни яъни 282 727 309 сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди (техникаларни янгилаш)га – 39,8% ни яъни 1 125 382 580,62 сўм мабағни йўналтиришни таклиф қилинди.

Жамият бош ҳисобчиси ўз сўзини давом эттириб бу таклиф қилинган вариантлардан бирини тасдиқлашни таклиф қилди.

Олтинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди :	Тарафдорлар	– 3 310 210 та овоз,
	Қаршилар	– 3 041 090 та овоз,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

6. Жамиятнинг 2020 йил молния-хўжалик фаолияти бўйича олинган 2 827 273 089,62 сўм соф фойдаси қўйидагича тақсимлансин:

- дивидентга 20% ни яъни ҳар бир оддий акция учун 67 сўмдан жами 565 975 800 сўм ажратилсин;
- жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга (13 – ойликга йўналтириш) 10% ни яъни 282 727 309 сўм ажратилсин;
- қолган 70% ни яъни 1 978 569 980,62 сўм пул маблағини ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди (техникаларни янгилаш)га йўналтирилсин.

Еттинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июль 2016 йилдаги 207-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилган “Корпоратив бошқарув кодекс” талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг яқка тартибдаги ижроия органига – директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқган ҳолда “Ўзпартампоаж” АЖ яқка тартибдаги ижроия органига – директорига 2021 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг куп миқдори ҳисоби жадвали ўқиб эшиттирилди (*ҳисоб жадвали илова қилинади*).

Тўққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди :	Тарафдорлар	– 6 351 300 та овоз,
	Қаршилар	– йўқ,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

7. “Ўзпартампоаж” АЖ яқка тартибдаги ижроия органига – директорига 2021 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг куп миқдори тасдиқлансин.

Саккизинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май 370- рақам билан руйхатга олинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунининг 70 моддасига асосан жамият Кузатув кенгашига ва тавтиш комиссиясига номзодларни кимлар тавсия этиши тўғрисида тўхталиб ўтди.

“*ERIELL GmbH*” Чет-эл Компаниясининг 2021 йил 27 январдаги №ИСХ-ЕС-124 рақамли хатига асосан қўйидаги номзодни «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгашига киритишни таклиф қилган:

1. Иргашев Рустам Курбанович - “*ERIELL GmbH*” Чет-эл Компаниясининг вакили.

“*ERIELL GmbH*” Чет-эл Компанияси «Ўзпартампоаж» АЖ нинг **15%** акцияларига эгалик қилади.

«*ALPENFORT CAPITAL*» МЧЖнинг 2021 йил 30 мартдаги №10 – рақамли тавсияномасига асосан, «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгашига қўйидаги номзодларни киритишни таклиф қилган:

1. Гафниятуллин Артур Адгамович - «*Alpenfort Capital*» МЧЖ директори;

2. Гафиятуллин Элина Хайдаровна - «Alpenfort Capital» МЧЖ вакили;
 3. Ахмедов Жамшид Рустамович - «Alpenfort Capital» МЧЖ вакили;
 4. Мурадов Камолiddин Нуриддинович - «Alpenfort Capital» МЧЖ директори.
- «ALPENFORT CAPITAL» МЧЖ «Ўзпартампоаж» АЖнинг 9,66% акцияларига эгалик килади.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» «Ўзпартампоаж» АЖнинг 36% фoиз акцияларига эгалик килади.

Агентлик томонидан Жамият Кузатув кенгашига номзодлар таклиф қилинмаганлиги ва юқорида келиб тушган номзодлар Кузатув кенгаши жами сон таркибига нисбатан камлиги сабабли амалдаги Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш учун таклиф қилинди:

1. Джуманазаров Юнусбек Рахимбаевич – Иқтисодёт ва саноат вазирлиги бош бошқарма бошлиги;
2. Тухтаев Равшан Рамазонович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси;
3. Азимов Мухаммад Уктам угли – Давлат активларини бошқариш агентлиги мутахассиси;
4. Шадманкулов Шерзод Аблакулович – Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқарма бошлиги.

Еттинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидагилардан 7 кишини сайлаш овозга қўйилди:

1. Иргашев Рустам Курбанович – 17 163 270 та овоз берилди;
2. Гафиятуллин Артур Адгамович – 1 501 150 та овоз берилди;
3. Ахмедов Жамшид Рустамович – 1 428 350 та овоз берилди;
4. Гафиятуллин Элина Хайдаровна – 1 428 350 та овоз берилди;
5. Мурадов Камолiddин Нуриддинович – 1 428 350 та овоз берилди;
6. Джуманазаров Юнусбек Рахимбаевич – овоз берилмади;
7. Тухтаев Равшан Рамазонович – овоз берилмади;
8. Азимов Мухаммад Уктам угли – овоз берилмади;
9. Шадманкулов Шерзод Аблакулович – овоз берилмади;

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

8. «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги 5 киши сайлансин:
 - 1) Иргашев Рустам Курбанович – «ERIELL GmbH» Чет-эл Компаниясининг вакили.
 - 2) Ахмедов Жамшид Рустамович – (Бухоро вилояти ИИБ, паспорт АА 4601338.)
 - 3) Мурадов Камолiddин Нуриддинович - «Alpenfort Capital» МЧЖ директори.
 - 4) Гафиятуллин Артур Адгамович – (Тошкент шаҳар, Миробод туман ИИБ томонидан 14.02.2014 йил берилган, паспорт ИР 0057940.)
 - 5) Гафиятуллин Элина Хайдаровна – (Тошкент шаҳар, Миробод туман ИИБ томонидан 14.02.2014 йил берилган, паспорт АА 4309540)

Тўққизинчи масала бўйича Н.Қ. Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари ва Кузатув кенгашининг 2021 йил 30 апрелдаги 4 - сонли йиғилишидаги тавсиясига асосан тафтишчини қайта сайлаш лозимлигини айтиб ўтди.

Ўз сўзини давом эттириб, Жамият тафтишчилигига номзодлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда амалдаги Тафтишчи номзодини қайта сайлаш учун таклиф қилинганлигини айтиб ўтди:

1. Гойилов Лазиз Ахматович – (Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқарма бошлиги собиқ ўринбосари);

Саккизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Қуйидаги Тафтишчини сайлаш овозга қўйилди:

1. Гойилов Лазиз Ахматович (Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосари)

Овоз бериш натижалари : Тарафдорлар – 3 310 210 та овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқарма бошлиғи собиқ ўрибосари – Гойибов Лазиз Ахматович жамият тафтишчиси этиб сайлансн.

Ўнинчи масала бўйича Н.Қ. Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз нуткида “Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларига дивидендлар тўлаш масаласини ўрганиш жараёнида 2021 йил апрел ойи ҳолатига кўра 2014 – 2015 йил охирида ҳисобланган дивидендларни тўлаш бўйича қарздорликлар мавжудлиги аниқланди. У сўзини давом эттириб, белгиланган тартибда жамият дивидендларни ҳисоблаш, тўлаш тўғрисидаги маълумотларни “Ўзпартампоаж” АЖ расмий веб-сайтида ва ягона корпоратив ахборот порталида (openinfo.uz) жойлаштирилиб эълон қилинганлигини таъкидлади.

Дивидендларни тўлаш, акциядорларнинг жамиятга тақдим этган аризаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 51 – моддасига мувофиқ, “Дивиденд” акциядор эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси ёки меросхўр томонидан талаб қилинмаган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан жамият фойдасига олиниши белгиланган.

2014 – 2015 йиллар учун ҳисобланган дивиденд пуллари ҳисобланган ва ҳақиқий тўланган кундан бошлаб, 3 йиллик синов муддати ўтганлиги ҳисобга олиниб, Кузатов кенгашининг 2021 йил 30 апрелдаги 4 – сонли йиғилишида жамиятнинг даромадларига ундирилмаган қарздорликни яъни “Ўзпартампоаж” АЖнинг ҳисобига қолдириш масаласини кўриб чиқишни тавфсия қилинди.

Ўнинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг, овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари : Тарафдорлар – 6 351 300 та овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

10. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2014 – 2015 йиллар якуни бўйича ҳисобланган, 01.07.2021 йил ҳолатига талаб қилиб олинмаган дивиденд пуллари жамият фойдасига қолдирилсн.

Ўн биринчи масала бўйича Н.Қ. Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз нуткида Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ, Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилиши ва қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахслари деб белгиланганлигини айтиб ўтди:

1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

3) ушбу жамият кузатов кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

5) ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизга эгаллик қилувчи айти бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизга эгаллик қилса, ўша юридик шахс;

7) ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айти бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) ушбу жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айти бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) ушбу жамият директорининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 88-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

“Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибига кирувчи корхоналар - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инобатга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўн бириинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг, овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари :	Тарафдорлар	– 6 351 300 та овоз,
	Қаршилар	– йўқ,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

11. “Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инобатга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битим (битимлар) маъқуллансин.

Ўн иккинчи масала юзасидан сўзга жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери **Мингяшаров Н.Қ.** чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 мартдаги -351-УРҚ-сонли айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79 ва 83-моддаларига ўзгартиришлар киритилганлигини, ҳусусан - “мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш” айтиб ўтди.

Жамиятни 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш мақсадида танлов ўтказиш тўғрисида танлов

эълон қилинганлиги тўғрисида ахборот берди.

“Ўзпартампонаж” АЖнинг 2021 йил якунлари буйича молия-хужалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш учун жамиятга келиб тушган тижорат таклифларидан жамият ички аудиторининг Кузатув кенгашига берган хулосасига асосан қуйидаги ташкилотлардан келиб тушган тижорат таклифларидан бирини тасдиқлашни таклиф қилди:

№	Аудиторлик ташкилоти номи	Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича текшириш учун хизмат ҳақи (сўм)	Халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботининг халқаро стандарти бўйича текшириш учун хизмат ҳақи (сўм)	СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиш ҳисоби текшириш учун хизмат ҳақи (сўм)	Лицензия	Аудиторлик жавобгарлиги сугурта полиси
1	“HOMBUR-AUDIT” МЧЖ	6 000 000	14 000 000	3 000 000	№ 00749 01.04.2020 й.	“KAPITAL SUG’RTA” МЧЖ сугурта суммаси 1 млрд.сўм
2	“NEWGLOBAL PROPESSIONAL -AUDIT” МЧЖ	6 000 000	14 000 000	4 000 000	№АФ-00750 01.04.2020 й.	“KAPITAL SUG’RTA” МЧЖ сугурта суммаси 1 млрд.сўм
3	“BALANS-INFORM” МЧЖ	10 000 000	15 000 000	5 000 000	№00789 05.04.2020 й.	“Euroasia insurance” МЧЖ сугурта суммаси 500 млн.сўм
4	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	10 800 000	15 000 000	19 800 000	№00756 11.04.2020 й.	“Garant insurance group” МЧЖ сугурта суммаси 600 млн.сўм
5	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	15 000 000	15 000 000	6 000 000	№00067 28.07.2008 й.	“Garant insurance group” МЧЖ сугурта суммаси 4 млрд.сўм

Ўчинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди: **Тарафдорлар** – 6 351 300 та овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

12. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2021 йил якуни буйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича ташқи аудит текширувини ўтказиш учун “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи 6 000 000 (олти млн.) сўм миқдорида белгилансин, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартиларига мувофиқ ташқи аудит текширувини ўтказиш учун “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳақи 14 000 000 (ўн тўрт млн.) сўм миқдорида белгилансин ҳамда самарадорлик муҳим курсаткичлари (СМК), самарадорлик йиғини курсаткичларари (СЙК) ва уларнинг бажарилиш фойзларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун аудиторлик ташкилоти сифатида “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи 3 000 000 (уч млн.) сўм миқдорида белгилансин.

Қуи тартибига қўйилган ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи масалалар юзасидан сўзга жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери **Мингяшаров Н.Қ.** чиқди. У ўз сўзида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 майдаги 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг “Жамиятнинг ижро органи” тўғрисидаги 79-моддасида ҳамда “Акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доираси” тўғрисидаги 59-моддасига асосан ҳамда “Ўзпартампонаж” АЖнинг Кузатув кенгашига 2021 йил 20 апрелдаги 175/1 – сонли хатига мувофиқ, белгиланган ҳолда “Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг яқка тартибдаги ижроия органини жамоавий

ижроия органига ўзгартириш, яъни Жамиятнинг якка тартибдаги ижро органи – Директори ўрнига Жамоавий ижроия орган аъзоларини татбиқ этиб, жамият ташкилий тузилмасига, яъни “Бошқарув структураси”га ўзгартиришлар киритиш кераклигини, жамиятнинг Уставига, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомига, “Якка тартибдаги ижро органи – Директори”ги низомига, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низомига, “Ички аудит тўғрисида”ги низомига, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги низомига, “Дивидентлар сиёсати тўғрисида”ги низомига, “Ички назорат тўғрисида”ги низомига, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомларга ўзгартириш киритиш кераклигини айтиб ўтди.

Ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи масалалар муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди :	Тарафдорлар	– 1 179 500 та овоз,
	Қаршилар	– 4 308 200 та овоз,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

13. “Ўзпартампоаж” акциядорлик жамиятининг якка тартибдаги ижроия органини жамоавий ижроия органига ўзгартирилмасин.

14. “Ўзпартампоаж” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси ўзгартирилмасин.

15. “Ўзпартампоаж” АЖнинг янги таҳрирда “Устави” ҳамда Ички низомларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тасдиқланмасин.

Умумий йиғилиш раиси:



Ҳалимов А.Ж.

Йиғилиш котиби:



Мингяшаров Н.Қ.

Баённома имзоланди « 22 » июнь 2021 йил.

7-масалага илова:

“Ўзпартампоаж” АЖ директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш.

"Ўзпартампоаж" АЖ директорига 2021 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва компенсацияларни энг куп миқдори ҳисоби қуйидагича:

Якка тартибдаги ижроия органи	Ўлчов бир.	*Рағбатлантириш миқдори (мукофот)	Компенсация туловлари				Жами
			оziқ-овқат Қий-матини қоплаш	иш стажин учун устама-лар	чул ва сувсиз худудларда ишлаганлик учун белги-ланган коэффи-циентлар	суткалик пуллар (хизмат сафари даврида)	
Жамият директори	минг сум	70 000	0	0	0	0	70 000

*Изоҳ: Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ йил якуни бўйича қўшимча рағбатлантирилиши мумкин.